

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 21 (10.830)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот марказида маънавий-маърифий жабҳадаги ишларни янада жонлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда шаҳримиз туманларининг Маънавият тарғибот марказлари раҳбарлари иштирок этишди.

● **МИРОБОД** туман ҳокимлигида жамият тараққиёти ривожига хотин-қизларнинг ролини ошириш борасида ўтган йилда бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишлаб туманнинг фаол аёллари иштирокида ўтказилган йилги туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Маънавият—ҳаёт кўзгуси» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда «Машинасозлар» маҳалласи фаоллари ва ёшлари иштирок этишди.

● **БУГУН** Учтепа туманидаги 136-мактабда туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ёш оилаларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида «Истироҳат», «Шафтолизор», «Бекобод» маҳаллаларида яшовчи ёш оилалар ва киллари иштирок этишди.

● **БУГУН** Бектемир туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан фаол аёллар иштирокида уюштирилган йилги Ижтимоий ҳимоя йилида бажарилиши лозим бўлган ишлар муҳокамасига бағишланди.

● **БУГУН** Сергели туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда туманнинг фаол аёллари иштирок этишди.

● **УТГАН** куни Мирзо Улуғбек туманидаги ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназиясида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари билан ўқувчиларнинг учрашуви уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ, ХУСУСАН, ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ХАЛҚ БИЛАН ҲАМЖИХАТЛИГИ ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ГАРОВИ



Бунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан милиция таянч пунктлари инфратузилмасини янада тақомиллаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган анъанавий «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг алоҳида ўрни бор.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида мазкур кўрик-танловнинг 2006 йил натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Қасрамонни, халқ шоири А.Орипов, ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнаомалигида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси тўғрисида ўз фикрларини билдириш билан бир қаторда эркинликларнинг ишончли ҳимоясига айланаётганини алоҳида таъкидлашди.

Бунда давлатимиз раҳбарининг республика ички ишлар идоралари фаолиятини тақомиллаштиришга оид фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган изчил чора-тадбирларни амалга оширишда жойларда фаолият юритаётган

профилактика инспекторларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги кунда юртимизда 3,5 мингдан зиёд милиция таянч пункти фаолият юритапти. Уларнинг атрофида турли тўғарақлар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари барпо этилган. Яратилаётган бундай шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ҳамжиҳатлигининг тобора мустаҳкамланиётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани иш самарадорлигини оширмоқда. 2006 йили мамлакатимизнинг 2599 маҳалласида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Танловда мамлакатимизнинг туртта ҳудуд бўйича энг яхши кўрсаткичларга эриш-



ган милиция таянч пунктлари аниқланди. Пойтахтимизнинг Учтепа тумани «Журжоний», Наманган вилоятининг Поп тумани «Гурумсарой», Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани «Дўстлик», Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани «Исмоилтепа» маҳаллаларидаги милиция таянч пунктлари биринчи ўринни эгаллади. Қоғозларга «Дамас» автомашиналари тақдим этилди.

«Энг фаол профилактика инспектори», «Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматининг энг фаол ходими», «Аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозongan энг фаол маҳалла оқсоқоли», «Энг фаол маҳалла посбони», «Энг фаол диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Энг фаол хотин-қизлар кенгаши раиси» номинациялари бўйича ҳам қоғозлар аниқланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

Н. АБДУРАИМОВА,

ЎЗА муҳбири

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Шаҳар сайлов комиссиясида ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

ИЛГАРИ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 28 ЯНВАРЬ КУНИ ПОЙТАХТНИНГ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ 15-ФЕРУЗА ВА ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 52-УСТА ШИРИН — ИККИТА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг **КЕЧА** бўлиб ўтган йилги йиғилишида мазкур ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга тадбирнинг якунлари кўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, иккита сайлов округи бўйича бўшаб қолган ўринларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни сайлов қонунчилиги, хусусан Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» Қонуни талаблари ҳамда шаҳар сайлов комиссиясининг мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режаси асосида амалга оширилди. Жойларда ташкил этилган округ ва участка сайлов комиссиялари тегishли қонунчилик ва шаҳар сайлов комиссиясининг қайд этилган тадбирлар режасига биноан фаолият юритди. Сайлов кампанияси пайтида 15-Феруза округи бўйича — саккизта, 52-Уста Ширин округи бўйича — тўқизта, жами 17 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Хар бир сайлов округи бўйича амалдаги бешта сиёсий партия томонидан биттадан номзод, бундан ташқари, 15-Феруза сайлов округи бўйича — ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳам номзод кўрсатилди. Уларнинг барчаси шаҳар сайлов комиссияси қарорига биноан тегishли равишда рўйхатдан ўтказилди. Шу билан бирга, қонуний ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда, хусусан, юқорида қайд этилган қонуннинг 28-моддасига биноан сайловларга қадар бешта номзод турли сабабларга кўра ўз номзодидан воз кечди. Шундай қилиб, ҳар бир округ бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши депутати мандатига эгаллик ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўтадан номзод беллашди.

Сайловчилар рўйхатида 15-Феруза округи бўйича 18.168, 52-Уста Ширин округи бўйича — 18.777, ҳаммаси бўлиб иккита сайлов округи

бўйича 36.945 сайловчиларнинг номлари киритилди. Овоз бериш жараёнида 29.218 сайловчи (79,2 фоиз), шу жумладан 15-Феруза округи бўйича — 14.506 (80 фоиз) ва 52-Уста Ширин округи бўйича — 14.712 (78,2 фоиз) сайловчи иштирок этди. Округ сайлов комиссияларининг баённомалари асосида мазкур сайлов тегishли қонунлар асосида ўтказилди. Иккита сайлов округи бўйича энг кўп овоз тўплаган икки номзод халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари этиб сайланди.

Йилги йиғилишда таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш пайтида шаҳар сайлов комиссияси томонидан ошқоғарчиликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Комиссиянинг барча йилги йиғилишлари, бевосита сайловолди жараёнида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб берилди. Хар бир депутатликка номзодга матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш учун кенг шарт-шароитлар яратиб берилди. Сайловда сиёсий партияларнинг кузатувчилари ҳам фаоллик кўрсатди. Шаҳар сайлов комиссияси номига келиб тушган аризалар қонунчилик талаблари асосида кўриб чиқилди.

Йилги йиғилишда ўшбу сайловлар ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва бу яна бир бор мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти шаклланиётганининг эркин далили сифатида эътироф этилиши алоҳида қайд этилди. Бунга ўшбу сайловларда барча сиёсий партияларнинг фаоллик кўрсатгани, шаҳар Кенгашида ўз вакилини сайлаш ҳуқуқидан фойдаланган ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки, шунингдек фуқаролик ва сиёсий фаоллики сайловчилар ҳам намоён этгани ёқин далилдир.

Йилги йиғилишда сайланган депутатларни рўйхатга олиш ва бу ҳақда матбуотда эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ҚАРОРИ

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 44, 45 ва 46-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2007 йил 28 январь куни бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан қуйидагилар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Тутилган йили	Партияга мансублиги	Эталаб турган лавозими (манфутнинг тури)	Иш ва ишлов жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
Мирзо Улуғбек тумани						
1	Иргашев Шавкатбек Турдужон	1964	партиясиз	Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	18-Феруза
Юнусобод тумани						
2	Мираллоева Насиба Қазронова	1962	Ўзбекистон Фидоқорлар миллий демократик партияси аъзоси	Тошкент шаҳар «Табиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси раиси, Ўзбекистон Фидоқорлар миллий демократик партияси шаҳар Кенгаши котиби	Тошкент шаҳри	52-Уста Ширин

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси А.АБДУРАИМОВА

Тошкент шаҳри, 2007 йил 30 январь

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг 2006 йилдаги фаолияти якунлари ва 2007 йилдаги вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги Қарорини бажариш йўлида Қорақалпоғистон Республикасининг Марказий кутубхонаси Республика ахборот марказига айлантирилди. Китоб фонди 230 мингта адабиётни ташкил этувчи мазкур марказ замонавий компьютерлар ва бошқа зарур техникалар билан жиҳозланди, 785 номдаги янги адабиёт, 80 номдаги газета ва журналлар билан таъминланди.

● Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессия Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2007 йилги иш режасини тасдиқлади, доимий комиссияларнинг таркибига айрим ўзгаришлар киритди.

● Тошкент вилоят ҳокимлигида «Терроризм, диний экстремизм, сепаратизм ва ғиёвандлик воситаларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш, уларнинг олдини олишдаги муаммолар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг ташаббусига кўра вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

● «Росзарубежцентр» ваколатхонаси, республика рус миллий маданият маркази ва «Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази» Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида Ўзбекистонлик журналистлар орасида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланганининг бир йиллигига бағишланган ижодий танлов ўтказди.

● Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасида зараркундаларга қарши курашиш, органик ўғитларни қўллашда замонавий технологиялардан фойдаланишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда фермерларимизнинг рақобатбардор, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни янада кўпроқ ишлаб чиқаришни таъминлаш борасида батафсил фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Миллий университети олимлари мутахассислар билан ҳамкорликда илк бор ер ости сувлари атласи ҳамда унинг электрон нусхасини яратдилар. МДХ давлатларида хали учрамаган бу атлас алоҳида мазмунли 22 картадан иборат бўлиб, унда сув манбаалари, уларнинг тақсимланиши ва бошқа гидрологик жараёнлар жадаллар орқали илмий асослаб ва тақсимлаб берилган.

● Тошкент вилоят ҳокимлигида раҳбар кадрларнинг «Миллий гоя ва мафкура масалалари бўйича назарий билимларни ошириш» мавзусида ўқув машғулоти ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Эфиопия пойтахти Аддис-Абебада БМТ Бош котиби Пан Ги Мун иштирокида Африка Иттифоқининг саммити бўлиб ўтмоқда. Унда қитъанинг 50дан ортиқ мамлакатлари етакчилари иштирок этмоқда. Суданнинг Дарфур музофотидаги диний ва этник зиддиятлар музокараларнинг бош мавзусига айланди.

● Эроннинг диний раҳнамоси Оятулло Али Хумайний газ экспорт қилувчи мамлакатлар иштирокида ОПЕКка ўхшаш ташкилот тузиш ташаббуси билан чиқди.

● Кеча Россия Федерациясининг Саратов областида жойлашган мамлакатдаги энг йirik атом электр станцияларидан бири — Балаков АЭСида юзага келган носозликларга барҳам бериш мақсадида биринчи энергоблок ўчириб қўйилди. Қолган тўртта энергоблоклар эса бир меъёрга ишлаб турибди. Тез орада носозлик сабаблари аниқланиб, тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

● Исроил давлати тарихида биринчи бор араб миллатига мансуб Ралеб Мажадле ҳукумат аъзолигига тасдиқланди. Меҳнат партияси етакчиси Амир Перец Ралебнинг вазир лавозимига тайинланиши мамлакатдаги араблар ва яҳудийлар тенглигини таъминлашдаги муҳим қадамлардан бири эканлигини таъкидлади.

● Россияда «Оқ симёғочлар» номи фестивал ўз ишини бошлади. Унда Россия давлат фильм фондида сақланаётган энг ноёб қадимий киноленталар намоиш этилмоқда.

● Бундан олти йил муқаддам Санкт-Петербургдаги Давлат эрмитажидан ўғирлаб кетилган 1 миллион доллар қийматга эга француз мусаввири Жан Жеромнинг «Харамдаги ҳовуз» картинаси топилиб, яна музейга қайтарилди. Фақат ўшбу картинани жиддий реставрация қилиш талаб этилади.

● Бундан бир неча кун олдин шарқий Саян тоғларида бедарак йўқолган тўрт нафар альпинистларни қидириш ишлари нихоясига етди. Қидирув натижасида альпинистларнинг иккитаси топилиб, қолганларининг эса қор қўшиши натижасида ҳаётдан кўз юмганлиги маълум бўлди.

● Италиянинг Рим, Милан ва бошқа айрим шаҳарларида «Машинасиз бир кун» тадбири ўтказилди. Атроф-муҳит мусавфоллигини сақлаш мақсадида ташкил этилган мазкур акция давомида юқоридаги шаҳарларда бир неча соат давомида машина ҳаракати деярли буткул тўхтатилди.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲАМКОРЛАРИ САФИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 24-26 ЯНВАРЬ КҮНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИДА БҮЛДИ. МАЗКУР ТАШРИФ ИККИ МАМЛАКАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР БИЛАН ЯКУНЛАНДИ.

Сафар асносида Президент Ислам Каримовга мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари раҳбарлари ҳамроҳлик қилди. Улар Сингапурда ўз ҳамкорлари билан музокара-лар ўтказиб, ўзаро манфаатли қилишувларга эришдилар. Қўйида делегация вазирларининг айтишларининг фикрлари билан танишасиз:

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Зоҳид ҲАКИМОВ: — Президентимиз Ислам Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар эшигини очди. «Ўзбектуризм» томонидан уч кун давомида «Ўзбекистон туризми кунлари» тадбири ўтказилди. Ушбу тадбир давомида сингапурликлар юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби қадимий шаҳарлари, бетак-тор меъморий обидалари, мафтунок табияти, халқимизнинг миллий ўрф-одатлари ва бой маданияти билан танишдилар.

Ўзбек миллий таомлари кўни ҳам ўтказилди. Маълумки, сайёҳ жалб этишда миллий таомларнинг аҳамияти катта. Сайёҳ ўзи борган юрда яшовчи халқнинг руҳиятини, табиятини тўла ҳис қилиши учун унинг таомларидан татигиси, дастурхон одоби ва қондаларини ўз кўзи билан кўргиси келади. Сингапурликларда ўзбек миллий таомлари ҳам катта қизиқиш уйғотди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Сингапурнинг «Алекс» компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. У Сингапурда «Ўзбектуризм»нинг ваколатхонасини очиб, кадрлар тайёрлаш ва реклама соҳаларида ҳамкорлик қилиш каби масалаларни ўз ичига олган. Шунингдек, «Алекс» Сингапурдан Ўзбекистонга сайёҳ йўллаш дастурини ҳам ишлаб чиқади.

Сингапур сайёҳлик фирмалари уюшмаси билан имзоланган ҳамкорлик меморандумида эса икки мамлакатдаги фирма ва компаниялар ўртасида ахборот алмашувини йўлга қўйиш ва кенгайтириш, Ўзбекистонда Сингапурни, Сингапурда Ўзбекистонни реклама қилиш, кадрлар тайёрлаш, сайёҳлик операторлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг инфотурларини — танишув саёҳатларини ташкил қилиш каби тадбирлар кўзда тутилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташрифи Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида кўплаб соҳаларда, жумладан, туризм соҳасида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга шубҳа йўқ.

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси Нурмухаммад АХМЕДОВ:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сингапур Республикасига давлат ташрифи чоғида нефть-газ соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Ойл-Тек» компанияси ўртасида узоқ вақтдан буён ўзлаштириб келинаётган ва захираси тугаётган конлардан нефть қазиб олишни кўпайтириш ҳамда геология-разведка ишларида қатнашиш тўғрисида аниқлашув меморандуми имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Сингапур нефть-газ конларини ўзлаштириш технологиялари бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Ўзбекистон қатор давлатлар билан углеводород қўшма ширкатлари ўрганиш ва ўзлаштириш босида ҳамкорлик қилиб келади. Бу галги қилишув захираси тугаб бораётган конларда ишлаб чиқариш ҳажмининг оширишни кўзда тутиши билан аҳамиятлидир.

Сингапурнинг «Эдвандс Холдинг» компанияси билан имзоланган меморандум нефть-газ соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Унда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, Ўзбекистонда тизим ва ускуналарни автоматлаштириш ҳамда уларга янги технологияларни жорий этиш бўйича қўшма корхона очилиши белгиланган.

«CW Singapore Pte Ltd.» компанияси ва «Societe Generale» банки билан тузилган битим Кўнгирот шаҳри яқинидаги газни қуриштирилмас лойиҳасини биргаликда амалга оширишни кўзда туттади.

Сингапурнинг «Темасек» холдинг компанияси билан музокара-лар жараёни бошланди. Ўзбекистон томонидан ушбу компанияга мамлакатимиздаги сармоявий блоклар бўйича бешта лойиҳа тақдим қилинди. Бу лойиҳалар синтетик дизель ёқилғиси ишлаб чиқариш, поли-этилен ишлаб чиқариш қувватларини ошириш каби соҳаларга йўналтирилган. «Темасек» раҳбарияти Ўзбекистон нефть-газ саноатига 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорига сармоя киритишни режалашти-раётганини маълум қилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаб, барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Бугунги кунда дунёда энергия манбаларининг, энергетик хавфсизлик билан боғлиқ масалаларнинг аҳамияти ошиб бораётганини ҳисобга олсак, ушбу ташриф асносида Ўзбекис-тоннинг нефть-газ соҳасидаги шериклари сафи ошгани муҳим воқеа-лардандир.

Анвар БОБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Яқинда Миср Араб Республикасида нашр этиладиган «Ал-Масая» газетасида «Тошкент — умумжаҳон ислом маданияти пойтахти» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Муаллиф Муҳаммад Саломо Ўзбекистон ҳуку-матининг исломий осори-атикаларини асраш, ўзбек халқи тарихий-маънавий қадриятла-рини қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳара-катлари ҳамда азим шаҳарнинг бутунжаҳон цивилизациясида ўзига хос ўрин тутгани боис Тошкент шундай шарафли номга эришганини таъкидлайди.

Мақолада Ўзбекистон мустақиллик йил-ларида Президент Ислам Каримов раҳбар-лигида маданият, маънавият ва динга муно-сабат масалаларида ҳам катта ютуқларни қўлга киритганига газета ўқувчилари эътибо-рига ҳавола этилади.

Нашр ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 2500 дан зиёд исломий осори-атикалар, 80 минг тарихий қўлёзмалар мавжудлиги, уларида исломдан олдинги даврдан бошлаб то шу кунларгача бўлган маданият ўз аксини то-лганини қайд этар экан, 1997 йили Прези-дент Ислам Каримов фармонида бинодан буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий мақбараси қайта тиклангани ҳамда мамлакатда бу буюк му-ҳаддис ва Имом ат-Термизий қаламига ман-суб асарлар нашр этилганига алоҳида урғу беради.

«Ал-Масая»нинг яна бир сонида эълон қилинган «Мир Араб — олим ва диний ар-боблар ўчоғи» сарлавҳали мақолада эса Ўзе-бекистонда Мир Араб мадрасасининг 530 йил-лиги кенг миқёсда нишонланиши масаласи-га эътибор қаратилади. 1530-йилларда Бу-хорода фаолият бошлаган ва доғруғи бутун оламга ёйилган бу мадрасага ўша кезлари кўрра заммининг турли бурчакларидан илм толиблари кела бошлагани, мадрасага На-қшбандия тарихати мухлиси, асли аманилик, Мир Араб исми билан машҳур бўлган Сайй-ид Абдуллоҳ ал-Яманий ал-Хадрамаутининг номи берилгани экир этилди.

Мазкур мақолада, жумладан, Ўзбекистон-да 1991 йили мустақиллик қўлга киритилган-дан сўнг Конституцияга мувофиқ, эъти-қод кишиларига барча шароитлар яратилган-и, қатор тарихий ислом обидалари таъмир-лангани, қўплаб масжид ва мадрасалар очил-гани ҳам қаламга олинган. Унда мустақил-лик йиллари давомида қўплаб алломалар, хусусан, Аҳмад Ҳасавий, Баҳроуддин Нақшба-ний, имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий,

Абу Мансур ал-Мотурудий, Бурхониддин Ма-рғиновий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абдулоҳик Ғиждувоний, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа бобоқалонларимиз юбилейлари кенг нишонлангани алоҳида таъкидланиши баробарида ҳукуматнинг бевосита ёрдами билан ҳар йили тахминан 4 минг нафар му-сулмон муборак ҳаж сафарига бораётгани, йилга ўз минглаб нуқсаларда диний кито-блар чоп этилаётгани қайд этилади. Мақо-лада «Хидоя» журнали, «Ислом нури» газе-таси изчил нашр этилиши, радио ва телеви-дение орқали диний мавзулардаги эълитти-риш ва кўрсатувлар намоён қилинаётгани

Долзарб мавзуда шарҳ «ТОШКЕНТ — ТАРИХ ДУРДОНАСИ ВА КЕЛАЖАКНИНГ ЗИЁСИ»

ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ (ОИК) ТАРКИБИДАГИ МУАССАСАЛАРДАН БИРИ - ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ (ISESCO) ТОШКЕНТИ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ ПОЙТАХТИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛГАНИ ҲАМОН ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎЗ АКС-САДОСИНИ БЕРМОҚДА.

сингари мавзулар ҳам эътибордан четда қол-маган.

«Тошкентнинг 2007 йилда ислом мада-нияти пойтахти, деб эълон қилингани муно-сабати билан Покистон Ислам Республика-си Сенатининг халқаро алоқалар қўмитаси ва ўз номидан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини қизгин табриклайман, деб ёзади Покистон Сенати халқаро алоқалар қўмита-сининг раиси Мушохид Хусайн Саййид. Таъ-лим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти - ISESCONING бу қарори мамлакат етакчиси раҳбарлиги ости-да Тошкент минтақа маданиятини намоён қи-лаётганининг эътирофидир. Ўзбекистон пой-тахтининг бутун минтақамизни намоён эти-ши бутун Осиёга нисбатан юксак ҳурмат-дир.

Яқинда делегациямиз Ўзбекистонда бўлди. Ташрифимиз самарали кечди. Кўрсат-илган салимий ҳурмат ва меҳмондўстлик-дан жуда мамнунмиз. Бу Ўзбекистон ва По-кистон ўртасидаги ақин қардошлик алоқа-

30 ЯНВАРЬ КҮНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНING
НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ
БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Респу-бликаси Қонуни қабул қилинганли-ги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг моддама-модда му-ҳокамасини давом эттирдилар. Қонун лойиҳасининг «Давлат бож»и тўғрисида»ги қонунга, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал ко-декси, Ҳўжалик процессуал ко-декси, «Ҳўжалик юритувчи субъект-лар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш-лар киритиш ҳақидаги нормалари батафсил таҳлил этилди.

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

ТОШКЕНТДА ЖАҲОН БАНКИНИНГ АТРОФ-МУҲИТ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА «УГЛЕРОДГА ОИД МОЛИЯЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР БОШЛАНДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЁТ, МОЛИЯ, ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРИ, КИМЁ, НЕФТЬ-ГАЗ, ҚУРИЛИШ САНОАТИ ВАКИЛЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

Тадбирдан кўзда тутилган асосий мақсад глобал иқлим ўзгаришларининг олдини олишга қаратилган зарур чораларни кўриш, жаҳон иқтисодиё-тининг жадал саноатлашуви оқибатида табиатга етказилаётган зарарни камайтириш, атроф-муҳитга тарқалаётган захарли газлар ҳажмининг қисқарти-раётган давлатларни рағбатлантириш мақсадида уларга молиявий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Тадбирнинг очилишида мамлакатимизда Прези-дент Ислам Каримов раҳнамолигида глобал иқлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонун лойиҳаси «Ҳакамлик суд-лари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан судда ишларни юритишни яна-да такомиллаштиришга қаратил-ган ҳамда Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президент Ислам Каримов томонидан ил-гари сурилган давлатимизни рив-ожлантириш концепциясига му-вофиқ Ўзбекистон Республикаси-нинг суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш жараёнига тўла-тўхис мос келади. Қиритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, энг ав-вало, ҳакамлик судининг ил-гари сурилган бир қатор тақ-лиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик пала-таси қиритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва масъул қўмитага лойиҳани учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширди.

ЎЗА

ўзгаришларининг олдини олиш, атроф-муҳит мусаф-фоллигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳ-камлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган изчил тадбирлар амалга оширилаётган-и алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз глобал иқлим ўзгаришларининг олдини олиш борасида ўз зиммасига олган барча халқаро шартномаларни из-чил бажариб келмоқда. Жумладан, Киото протоко-лининг Мусаффо ривожланиш механизми доираси-даги лойиҳанинг ўз вақтида амалга оширилиши из-чил таъминланмоқда. Айни пайтда бу борадаги иш-лар қўламини янада кенгайтиришда Жаҳон банки билан ҳамкорлик яхши самара бериши шубҳасиз.

Семинарнинг биринчи кўни Жаҳон банки мута-хассислари В.Путининг «Жаҳон банкининг угле-рогдга оид молиялаш борасидаги стратегияси», Д.Вайриненнинг «Углеродга оид молиялашнинг лойиҳадаги ифодаси», Й.Болдтининг «Коммунал хўжалик ва сув заҳиралари» мавзуларидаги маъ-рузалари тингланди.

(ЎЗА)

«Le petit Journal» ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҲАҚИДА

ФРАНЦИЯДА 70 МИНГ НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН «LE PETIT JOURNAL» КҮНДАЛИК АХБОРОТ НАШРИДА «ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА БОСИЛИБ ЧИҚДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗДА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ФАОЛ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.

Муаллиф мустақил ривожла-ниш йиллари давомида юрти-мизда болалар спорти оммавий тус олганини қайд этар экан, мазкур соҳа ёш авлод тарбияси-га қаратилган сиёсатнинг ҳамда Кадрлар тайёрлаш бўйича Мил-

лий дастурнинг таркибий қисми сифатида ривожланаётганини таъкидлайди.

«Ёш авлоднинг соғлом ва бар-камол тарбиялашга йўналтирил-ган саъй-ҳаракатлар ўз самара-ларини бермоқда, деб ёзади га-зета. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилда эълон қилинган Фармонида му-вофиқ болалар спортини ривож-лантириш жағфармасининг таш-кил этилиши бу соҳанинг жадал тараққиёти йўлидаги муҳим қадам бўлди».

Мақолада Республикаимиздаги мавжуд спорт иншоотлари, шунингдек, ўсиб келаётган ёш ав-лоднинг жисмоний жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари учун кишлоқ жойлари-да бирин-кетин бунёд этилаёт-ган янги ва замонавий спорт ма-

канлари тўғрисидаги маълумот-лар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Нашр қайд эт-ганидек, кейинги йиллар даво-мида фойдаланишга топширил-ган жами спорт мажмуаларининг 85 фоизи кишлоқ жойларининг ҳиссасига тўғри келади.

«Le petit Journal» Ўзбекистон-да спорт билан мунтазам шугул-ланадиган болаларнинг сони йилдан йилга ўсиб бораётгани хусусида тўхталиб, жисмоний тарбия беришнинг замонавий шакл ва услублари жорий этил-гани, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтлари мазмунли ва қизи-қарли ўтиши учун барча шароит-лар яратилишига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъ-кидлайди.

З.АЗИЗХОНОВА,
«Жаҳон» АА

вожида тутган ўрнига оид қатор тадбир ва дастурлар амалга оширилишига ишончим қо-мил. Улар эса ислом дунёси нигоҳини ҳақли равишда яна Тошкентга қаратадиган муҳим воқеалар бўлади.

— Тошкент бу шарафли номга Ўзбекис-тоннинг ислом маданияти ва илм-фани ол-дидаги улкан ҳизматлари, шунингдек, қадимий обидаларини асраб-авайлаш ва ис-лом меросини янада бойитиш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун сазовор бўлди, — деб ёзади Ҳиндистонда инглиз тилида нашр этилаётган «News From India» қўндалик га-зетаси. — Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистон пойтахти мадраса ва масжидларининг маҳоб-батли бинолари, қадимий қўлёзмаларнинг ниҳоятда бой тўпламларига эга бўлган ку-тубхоналари ҳамда ислом уйғониш даври-нинг буюк аллома ва арбоблари томонидан яратилган асарлар сақланадиган музейлари билан бутун дунёдан келадиган меҳмонлар-ни лол қолдиради.

«Айни пайтда Имом ал-Бухорий номида-ги Тошкент ислом институти, Қўқалдош мад-расаси ҳамда Президент Ислам Каримов та-шаббуси билан очилган Тошкент Ислам уни-верситети мамлакат пойтахтида фаолият кўрсатмоқда. Бу таълим муассасалари ис-ломшунослар, диний илмлар тадқиқотчилари ҳамда ислом қонунчилиги соҳасидаги мутахассисларни тайёрлайди, манбаашунос-лик, халқаро иқтисодиёт ва ахборот техно-логиялари йўналишлари бўйича билим бе-ради. Тошкент Ислам университети бу со-ҳада МДХ худудидаги ағона таълим муассас-сасидир. Университет кўп марта турли халқ-аро учрашувлар, конференция, давра суҳ-батларига меъдонлик қилиб, уларда дин, си-ёсат, бағрикенглик, тинчлик ва барқарор-ликни таъминлаш борасидаги энг долзарб масалалар муҳокама этилган. Осиёдаги қўплаб шаҳарлар орасида айнан Тошкент Ислам маданиятининг 2007 йилдаги пой-тахти, деб эълон қилишда ISESCO Ўзбекис-тон раҳбариятининг ўзбек халқи маънавий ва маънавий қадриятларини тиклаш, ислом чи-лизилаётганининг қўхна ёдрорликлари ас-раш борасида амалга оширган ишларини ҳамда Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири — Тошкентнинг дунё цивилизацияси-да муҳим ўрни борлигини назарда тутган», деб ёзади «News From India».

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси

Фармон ва ижро ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ВА БУ БОРАДАГИ «ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНING ШАҲАР ВА ТУМАН ҲУДУДИЙ КОМИССИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕКШИРИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ОРҚАЛИ ТАДБИРКОРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ЎТГАН ЙИЛ ДАВОМИДА БИР ҚАТОР АМАЛИЙ ИШЛАР ҚИЛИНДИ. БУНГА ҲИСОБОТ ДАВРИДА ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ УЛУШИ АНЧА ОШИБ, ДЕЯРЛИ 47 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАНИ ҲАМ ЯҚҚОЛ ДАЛИЛДИР.

Қайд этилган Фармон талабларини тадбиркорлик субъектларига етказиш, унинг аҳамияти ва моҳияти ху-сусида шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари тегишли назорат органлари билан биргаликда 2006 йил даво-мида жами 268 та семинар-йиғилиш ташкил этилиб, ушбу тадбирларда 25 мингга яқин тадбиркорлик субъект-лари иштирок этди.

Шаҳар комиссиясининг ишчи органи томонидан ўтган вақт ичида айрим назорат органлари ҳамда туман ҳуду-дий комиссияларида текширишларни тартибга солиш, уларнинг самарадорлигини оширишга ҳамда қонунбу-зарликларини профилактика йўли билан олдини олишга қаратилган қонуний-меъёрий ҳужжатлар бажарилиши юзасидан мониторинглар ўтказилди.

Шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари томонидан ҳам самарали хара-катлар олиб борилди. Жумладан, аҳоли гавжум жой-ларда, шу жумладан бозорлар ҳудудларида «Ишонч кутилари» ўрнатилиб, радиотармоқлар қайта ишга ту-ширилди. Шунингдек, шаҳар маркази ва чеккаларида ҳам тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мазмунидаги эълонлар ўрнатилиб, тадбиркор-ларга зарур ахборотлар ва маслаҳатлар бериб бори-лди.

Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан 2006 йил давомида ҳўжалик юритувчи субъектлар, тадбир-кор ва фуқароларнинг 115 та ҳар хил ариза ва шикоят-лари қабул қилинди. Шундан 85 таси бевосита текши-ришлар қонунийлигига оид бўлиб, ҳақиқатан ҳам тас-диқланган режа ва рухсатномалар асосида амалга оши-рилгани аниқланган. Қолган барча мурожаатларга ҳам ўз вақтида тушунтиришлар берилган. Бундан ташқари, текширишларни рўйхатга олиш китобларининг тўлди-рилиши ҳам ўрганилган. Ушбу жараёнда, яъни кито-бларни тўлдириш пайтида айрим назорат органлари то-монидан камчиликларга йўл қўйилгани аниқланган ва келгусида бундай ҳолатлар тақрирланмаслиги учун му-тасадди ходимларнинг масъулияти кўриб чиқилган.

Шунингдек, Фармонда белгиланган талабларни тад-биркорлик субъектларига етказиш борасида шаҳар Дав-лат солиқ бошқармаси томонидан «Эслатма»лар жорий этилаётир, шу жумладан янги очилаётган корхоналари рўйхатдан олишда, ҳисоботлар топширишда нималарга алоҳида эътибор қаратиш бўйича қонда-меъёрлар ки-тобчалари инкассация хизмати ходимлари томонидан тадбиркорларга тарқатилиб боришмоқда.

Тушунтириш ишларида самарадорликка эришиш мак-садида барча солиқ идораларида учрашув кўнлари бел-гиланган бўлиб, кейинги вақт ичида 1700 дан зиёд тадбиркор қабул қилинган ва уларнинг барча мурожа-атлари юзасидан атрофчиқа жавоблар берилган.

2006 йил давомида шаҳар назорат органлари томо-нидан 6169 та режали ва 2258 та режадан ташқари, жами 8427 та текшириш ўтказилиб, шундан 96,8 фо-изда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган. Айтиб ўтиш жоизки, текширувларнинг 2005 йилга нисбатан сони деярли 35 фоизга камайган.

Айни пайтда назорат органлари бизнес субъектлари орасида тадбиркорликни янада ривожлантиришга оид қарар қилинган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тарғиб этиш борасидаги ишларни давом эттирмоқда. Шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан бу борада мах-сус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда ҳар бир назорат органига оқлатилган вазифалар ҳам белгилан қўйилган.

Салоҳиддин МАҲМУДОВ,

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқ-лаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент ша-ҳар ҳудудий комиссияси масъул котиби

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

БҮНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА, БИНОЛАР КЎРКНИ ОШИРИШДА АЛБАТТА ПАРДОЗЛАШ АШЕЛАРИНИНГ ЎРНИ БЕКИЁС. АЙНИҚСА У СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ БЎЛСА ХОНА ФАЙЗИГА ФАЙЗ ҚЎШАДИ.

«EAST COLOR» масъулияти чекланган жамиятида тай-ёрланаётган лок-бўёқ маҳсулотлари ана шундай ра-қобатбардорлиги ва импорт ўрнини босиши билан аж-ралиб туради. Шу боис ҳам корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб, маҳсулотни экспорт қилиш ҳам кўпайиб бормоқда. Маҳсулот турлари хусусида тўхта-ладиган бўлсак улар ўтган йилда 140 хилдан ҳам зиёд-га етди.

Айниқса, ишлаб чиқарилаётган лок-бўёқларнинг Қозо-ғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатлар-га ҳам экспорт қилинаётгани тадбиркорларнинг изла-нишларидан яққол далолатдир. Ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб боришини кузатадиган бўлсангиз 2004 йилда 398 миллион, 2005 йилда 1038 миллион, 2006 йилда эса 2 миллиард сўмликка яқини ташкил этди. Албатта, янги цехлар замонавий линиялар билан жи-ҳозланди, унлаб ёшлар иш билан таъминланди.

Корхона пойтахтимиз ва республикамиз вилоятлари-даги й

Маҳалла — ота-онанг

ДЎСТУ БИРОДАРЛИК МАСКАНИ

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ҲАЁТИМИЗ ВА КАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ БЎЛГАН МАҲАЛЛАЛАРДА ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ АНЪАНАЛАРИ, УРФ-ОДАТЛАРИ, МЕҲР-МУҲАББАТ, МУРУВВАТ, ҲАМЖИХАТЛИК КАБИ ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАР ТОБОРА ЁРҚИНРОҚ НАМОЁН БЎЛМОҚДА.

Хусусан Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳаллага йўлнинг тушиб қолса юқоридаги фикрлар исботи-

ни ўз кўзингиз билан кўрасиз. Айниқса ушбу маҳаллада турли миллатга мансуб аҳолининг бир оила фарзандлари-дек тинч, аҳил, дўсту биродарлик, яхши кўшничиликда яшаб келаётганлари, уларга рус миллиати вакили Михаил Киктев бош-қош бўлаётгани, ўзбекона удумлари расм-русумлар жойига қўйиб адо этилаётгани беихтиёр сизда ҳавас уйғотади.

— Маҳалламиздаги тўй маросимлари, қутлуг байрамлар, ўтказилаётган барча тадбирлар аҳоли билан келишилган ҳолда, баҳам-жиҳатликда амалга оширилади, — дейди биз билан суҳбатда маҳалланинг жонқуяр оқсоқоли Михаил


Киктев. — Худудимиздаги ободончилик, кўкаламзорлаштириш, довдарахтлар, турфа хил гуллар экиб атрофга гўзаллик улашиш ишларида ҳар бир фуқароннинг хиссаси бор десам янглишмайман. Ҳамиша уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон, қаровга муҳтож оилалар эътиборимизда, уларни баҳоли қудрат қўллаб-қувватлаш, маънавий ва моддий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бетоб ётган, юрлмайдиган беморларнинг уйларига бориб йўқлаймиз. Аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларнинг илмли, соғлом бўлиб вояга етишларига хисса қўшишга интиламиз.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла — эзгулик бешиги, таълим-тарбия ўчоғи. Ҳалоллик ва ростгўйлик, меҳр-оқибат, тотувлик, меҳнатсеварлик ва ватанпар-



варликдан сабоқ берувчи улуг даргоҳдир. Шундай экан маҳаллаларда олиб борилаётган ҳар бир хайрли иш аъёнларимизнинг бардавомлиги, фарзандларимизнинг таълим-тарбияли, одоб-ахлоқли бўлиб вояга етишларига хизмат қилади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Юнус Ражабий маҳалласи ҳаётидан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар



2007 — Ижтимоий Ҳимоя йили ИБРАТЛИ ИШЛАР

СОБИР РАҲИМОВ
ТУМАНИДАГИ БЕРУНИЙ МАҲАЛЛАСИ 1966 ЙИЛГИ ЗАЛИЛЛАДАН КЕЙИН ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН. ШАҲРИМИЗДА ТАНИҚЛИ БЎЛГАН УШБУ МАҲАЛЛАДА 550 ТА ХОНАДОН БЎЛИБ, ҲАР БИР ХОНАДОНДА ЁШ ОИЛАЛАР МАВЖУД. ШУНИНГДЕК, 249-МАКТАБ ВА 277-БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ҲАМ УШБУ ҲУДУДА ЖОЙЛАШГАН.

Бугунги кунда давлатимизнинг ривожланиши билан бирга маҳалла аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб боришмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда халқ хоҳиш-истағи билан маҳалла оқсоқоли этиб сайланган шиоатли, ишбилармон Бадриддин Расулов ҳам ўз фаолиятини энг зарур ишларни амалга ошириш ва камчиликларни ўрганишдан бошлади. Албатта бунда маҳалла аҳолига суянди, қолаверса ишбилармон, тажрибали маҳалла фаоллари Раҳим Ражабов, Саиднаби Саидкаримов, Носир Муҳитдинов, Хуршид Азимов, Фазлиддин Шарипов каби бир қатор инсонлар унинг ёнида турдилар.

Маҳалланинг умумий кенгайтирилган мажлисида анча вазифалар масалан, маҳалла марказини қуриш ишларини ба-

жариш масалалари кўриб чиқилди. Биринчи бўлиб қурилиш лойиҳасини чиқиш ва унга кетадиган маблағ ҳисоблаб чиқилди. Маҳалланинг ҳар бир саноат моллари дўкони, компьютерхона қад кўтарди. Ҳозирги кунда умумий пардозлаш ишлари давом этмоқда. — Бу, — дейди Бадриддин ака, — маҳалла аҳоли учун янги йил ва Наврўз байрамига тўғадир.

Бу йил маҳалладаги кекса отахон онахонларга, ногиронларга, ботобларга, ёш болали оилаларга эътибор янада кучайди. Хайит ва Мустақиллик байрамларида 35 тадан ортиқ хонадонга совға-саломлар билан кириб дуолар олинди.

Маҳалла соғлиқни сақлаш комиссиясининг раиси ҳамда 15-шаҳар шифохонасининг бош шифокори Азиз Ибрагимов ёрдамида 3 та беморнинг даволанишига ёрдам берилди. Утган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида аҳолининг соғлиғига эътибор қаратилиб, айниқса аёлларга энгилликлар яратиб: УЗД, рентген ва турли соҳа

бўйича шифокорлар кўригидан ўтказилиб, суҳбатлар уюштирилди.

Маҳаллада Мустақиллик, хайит, Наврўз каби қатор байрамлар тантанали ўтказиб келинмоқда. Бу байрамларда табаррук, кекса отахон-онахонлар чиройли дастурхон атрофида ҳозирги кунимизни босиб ўтган ҳаёт йўллари билан таққослашиб, шу кунга етказганга шукроналар айтадилар.

Шунингдек, Ойбек ва Беруний маҳаллалари аёллари Имом Ал-Бухорий зиёратгоҳларига хотин-қизлар комиссияси раиси Жаннатой Исмоилова бошчилигида бориб катта таассуротлар билан қайтишди. Яқинда маҳаллада унутилиб кетган удумлардан бири тикланди. Маҳаллада вояга етаётган ёшларнинг бахтини топишига бош қўйиш мақсадида «совчилар қутиш» кунини жорий қилинган, яъни ҳар чоршанба кунини мажус комиссияси совчиларни қутиб олиб, кекса, нуруний онахонлар билан биргаликда ҳар бир оила, ўғил-қиз ҳақида маълумот беришди.

— Маҳалламизда қилинадиган ишлар хали қўп, — дейди оқсоқол. — Болалар майдончасини қуриш ҳам мўлжалланмоқда. Насиб қилса келажда болалар учун спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаларини қуриш кўзда тутилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда албатта маҳалла фуқаролари, хотин-қизлар комиссияси ва фаоллар яқиндан ёрдам берадилар. Зеро ҳамжихатликда ҳар қандай оғир ишни бажариш мумкин.

Раънохон РАҲИМБЕКОВА

ЭЗГУ НИЯТЛАР, ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР БИЛАН ЯНГИ ЙИЛНИНГ ЮРТИМИЗГА КИРИБ КЕЛГЕНИГА ҲЕЧ ҚАНЧА ВАҚТ БЎЛГАНИ ЙЎҚ. БУГҒУН ЖОЙЛАРДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАР КАТТА-Ю КИЧИККА ЗАВҚУ ШАВҚ УЛАШГАНЧА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Туманларда

БАРЧАГА ШОДЛИК УЛАШИЛАДИ

Хусусан, «Камолот» ЕИХ Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан «Камолот»дан тўхфа» лойиҳаси доирасида туман маҳаллаларида ўтказилаётган байрам тадбирлари барчага маъқул бўлмоқда. Яъни маҳаллаларда истикомат қилаётган имконияти чекланган, вояга етмаган болалар ҳамда ёлғиз, боқувчисиз қолган қариялар хонадонига эртақ қаҳрамонларига айланган совға-саломлар билан кириб келган «камолот»чилар уларга бир олам шодлик улашиб, байрам кайфиятини уйғотишга эришмоқдалар.

Тумандаги 49 та маҳалланинг ҳар бирида ўтказилиши кўзда тутилган ушбу тадбир шубҳа йўқки узок вақт болажонлар хотирасида қолади.

Азиза МУҲАМЕДОВА

Тадбирлар

ҲАММАНДА ИШТИРОК ЭТИШДИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 253-ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА «МАҲАЛЛАДА ВА МАКТАБДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАМКАРЛИК ТАРҒИБИ ЭТИШ» МАВЗУИДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ТУМАНДАГИ НОДИРАБЕГИМ, УВАЙСИЙ, «ШОШТЕПА» МАҲАЛЛАЛАРИ ФАОЛЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Унда Тошкент Давлат юридик институти доценти, тарих фанлари номзоди Жумабой Раҳимов ёшлар тарбиясида маънавий кадриятларнинг ўрни, уларнинг камолотида жиддий пугур етказадиган оқибатлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтди.

— Бугунги тадбир мактаб ўқувчиларининг ҳаётида ўзига хос тарзда ёлғиз қоларли бўлди, — дейди мактаб раҳбари Абдуваҳоб Нурмуҳамедов биз билан суҳбатда. — Негаки айрим ўқувчилар руҳиятида, тарбиясида, ҳатти-ҳаракатларида салбий ҳолатларга берилиш ҳам баъзан учраб туради. Уйлаётгани, маънавий-маърифий мавзуларга дахлдор учрашувларни янада кўпроқ ўтказиб, бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда «Оила — маҳалла — мактаб» тизими ягона кучга айлansa қўзланган хайрли ва эзгу максadларга эришиш мумкин.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Назм

ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ватан деган туйғу бебаҳо усту,
Ватан билан нисон юраги бутун,
Озод—обод юрда яшамок учун,
Оқламоқлик керак фарзандлик бурчин.

Сен ёлғиз эмассан боламсан дея,
Ўстирдинг, ўқитдинг қилиб тарбия,
Боримсан, бахтимсан сен менга рўё,
Кафтингда кўтардинг онамдек гўё.

Онамнинг, отамнинг ўрнин босган сен,
Кўнглим ўқсиганда эркалаган сен,
Айтчи она юртим боланг бўлиб мен,
Нима қила олдим Ватан сenga мен.

Бутун мадҳинг қуйлаш мен учун шараф,

Шукур шундай бахтга бўлдим мушарраф.

Жамолнинг мен ҳеч тўймайман қараб,

Жаннат ҳили келар бўстон ҳар тараф.

МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАЙИН

Ватаним мен сенинг жонинг бўлайин,

Томирларда оққан қонинг бўлайин,
Сен қачон чорласанг шу он келайин,
Ниятим муносиб фарзанд бўлайин.

Улкан бахт она юрт бағрида бўлиш,
Бахтсизлик, ватансиз қолиш,

Ватангадоларга этмасин насиб

Ҳатто тулғондан ясалган болиш.

Мени ардоқладинг мен ҳам ардоқлай,

Сен берган тузингни бир умр оқдай,
Меҳримдан гул экиб кўксингга тақай,

Мен сени асратум ҳаётман тоқай.

Оллоҳ берган олий неъматинг,

Фақат тинчлигингга шукрона этай.
Мендан рози бўлсанг она—Ватаним,
Дувёдан хотиржам кўз юмиб кетай.

Манзура ВАЛИЕВА,

Шайхонтоҳур туманидаги «Янги-обод» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Маҳаллам — қутлуг

КЎРҒОНИМ


ОҚСОҚОЛ ЭЛПАРВАР БЎЛСА...

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ «ОЛМАЗОР» МАҲАЛЛАСИ ФУҚАРОЛАР ИҒНИНИ РАИСИ НУРИТДИН АКА ЁҚУБОВ ШУ ГЎШАДА ЯШАБ, КЎПЧИЛИККА НАҒИЙ ТЕҒАТТИДИГАН МАМНУНЛИГИНИ ЯШИРМАДИ. МАҲАЛЛА АҲЛИ УНИНГ НОМОЗДИНИ ИККИНЧИ МАРТА ОҚСОҚОЛЛИКА ТАВСИЯ ЭТДИ.

Камтарлик ва ҳалолликни ўзига шиор қилиб олган бу инсон ҳар бир хонадонини беш қўлдай билади, ҳар бир эшик унинг учун очик. Каттаю-кичикдан марҳаматини, маслаҳатини аямайди. Бишор муаммо туғилса фаоллар билан бамаслаҳат иш қўради, уни ижобий ҳал этмагунча кўнгли тўймайди. Маҳалланг—отанг-онанг, дейдилар. Албатта беш минг аҳолиси бор маҳалланинг ўзига яраша қувонч ва таъшишлари бўлиши табиий. —Дунёни тўтиб турган устунлардан бири меҳр ва мурувватдир, — дейди Нуриддин ака. —Якка-ёлғизларга, кам таъминланган оилаларга имкон қадар ёрдам қўлини чўзаямиз. Бу борада саховатпеша кишиларнинг муруввати каттадир.

Шу ўринда ҳомийлар ва заҳматқашларни тилга олсак, ярашади. «Тошметрополитен» давлат унитар корхонаси раҳбари Мирқамол Одилов ҳар йили кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ёғи таътил пайтида оромгоҳларга бепул йўлланмалар беради. 57-поликлиника жамоасининг куюнчақлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бош шифокор Муҳаббат Аҳмедова маҳалладаги фархрийларни, хотин-қизларни тиббий кўриқдан ўтказишда жонбозлик кўрсатмоқда. Шунингдек, туман «Соғлом авлод» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгашининг сай-ҳаракатларини ҳам тилга олиш жоиз.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан «Баёт» студияси ҳамда «Камолот» ЕИХ Шайхонто-



ҳур туман Кенгаши томонидан ташкиллаштирилган байрам дастуридан катта-ю кичик баҳраманд бўлди. Тадбир давомида қизиқарли викториналар, мантқий савол-жавоб ўйинлари ўтказилди. Ўз навбатида голибларга совға-саломлар топширилди. Ҳар бир байрам маҳаллада шундай нишонланишини айтиб ўтиш жоиз.

Маҳаллада спорт мажмуасини барпо этиш нияти оқсоқолга кўпдан бери тинчлик бермай қўйганди. Чунки, шу ҳудуддаги 76-мактабда сабоқ олаётган маҳалла болалари аксарияти бўш пайтларини қандай ўтказишни билмас эдилар. Бошлаган ишнинг охирига етказишга одатланган Нуриддин ака бу сафар ҳам йўлидан қайтмади. Фаоллар ва ҳомийларнинг кўмағида мўъжазгина спорт мажмуаси қурилди. Маҳалла ёшлари ўртасида тез-тез турли спорт мусобақалари ўтказилиб турилибди. Ёшлар орасида шахматга бўлган қизиқиш бўлакча. Айни пайтда улар шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов шу маҳалла фуқароси эканидан фархланиб юришлари ҳам беҳиз эмас. Шунингдек, «Пахтакор» стадиони раҳбарлари билан тузилган шартнома бўйича кам таъминланган оилалар фарзандлари турли спорт тураракларига жалб этилмоқда.

Маҳалланинг обод ва кўркам бўлишида, одамларнинг осойишта яшашларида оқсоқол биринчи навбатда фаолларга суянади, эзгу ишларни бамаслаҳат ва аҳилликда бажаради. Ёдгор Обидов, Жамолддин Насриддинов, Абдуғофур Ўзамов, Йўлдош Шамшаматов, Турғун Алиев, Тохир Аҳмедов, Насиба Қодирова, Дилбархон Каримова, Дилфуза Мадиевора сингари эл таъшиши билан яшаётган фаоллар бор экан, меҳр ва мурувват устувор бўлаверади.

Дарҳақиқат, оқсоқол куюнчақ ва элпарвар бўлса, ҳар қандай муаммо ўз ечимини топаверади. Инсон учун одамларнинг меҳрини қозонишдек улкан бахт бўлмаса керак.

Муроджон БОТИРОВ
СУРАТДА: оқсоқол Нуриддин Ёқубов (ўнгда), маҳалла фаоли Жамолддин Насриддинов билан суҳбатда.

«Ташаббус — 2007»

ҒАЛАБА ИЗЛАНГАНГА ЁР БЎЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН «ТАШАББУС—2007» КЎРИК — ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН (ШАҲАР) ВА ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ФЕВРАЛЬ ОЙИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Ушбу кўрик-танлов ҳақида тўхталадиган бўлсак, у ўз фаолиятида энг яхши кўрсаткичларга эришган, экоспортга йўналиштирилган, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни, хизматлар ташкил этишини йўлга қўйган, халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этган тадбиркорлар, фермер хўжалиги раҳбарлари ва хунармандлар ўртасида ўтказилиб, саралар орасидан голиблар аниқланади. Беҳизга «Ташаббус»нинг қаноти бор», дейилмайди. Шу боис ҳам ўн йилдан буюн ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг асосий мақсади мамлакатимиз ҳудудларида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, юртимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар самарадорлигини ўрганиш, жамиятда тадбиркорлик фаолияти даражасини оширишни назарда тутувчи илгорлар таҳрибасини оммалаштириш, тадбиркор, фермер ва хунармандларни элу юртга танитиб, уларнинг меҳнат маҳсулидан барчани баҳраманд этиш, уларнинг касб маҳорати, билим даражасини оширишга имконият яратиш, ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик қилишлари учун кўмаклашишдир.

Чиндан ҳам тадбиркорликка яратилган жуда кенг имкониятлар боис уларнинг сафи ортиб бормоқда, маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлиги эса юксалмоқда. Улар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар бўлиб, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрқинли товарлар экспорти ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Бу борада, албатта, «Ташаббус»нинг ўрни катта.

Шу ўринда пойтахтимиз шафрини химоя қилиб, муваффақиятларга эришган, нафақат туман, шаҳар, балки республика миқёсида фахрли ўринларга сазовор бўлган тадбиркор ва хунармандларимизни алоҳида таъкидласак арзийди. Улар орасида республика босқичида голиб бўлган «Энг яхши тадбиркор» «PGS» хусусий фирмаси раҳбари Полянте Шевчинок, «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлган хунармандлар Сирождидин Раҳматуллаев, Шорасул Шорахмедов ва бошқаларнинг номларини келтириш жоиз.

«Ташаббус — 2007» кўрик-танловида юртимиз тадбиркор, фермер ва хунармандлари қўйидаги асосий йўналишлар бўйича беллашадилар. Булар «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» йўналишлари бўлиб, шунингдек, кўрик-танловнинг ташкилий қўмитаси томонидан мукофотлар жорий этилган. «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг ёш тадбиркор», «Энг мурувватли тадбиркор» ва бошқалар шулар жумласига қиради.

Айни кўнларда шаҳримизнинг барча тумандарида кўрик-танловга қизгин тайёргарликлар ниҳоясига етмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси маълумотларига кўра, шу кунга қадар пойтахтимиз туманларида фаолият кўрсатаётган 250 нафарга яқин тадбиркор ва хунармандлар кўрик-танловга қатнашиш истакини билдиришган. Айниқса, улар орасида хусусий корхоналарнинг кўпчилиги, ёш хунармандларнинг ўз маҳоратларига ишончи ўтказиб келинаётган аънавий тадбирнинг самарасидир.

Кўрик-танлов иштирокчилари орасида ўз имкониятларидан оқилона фойдаланётган тадбиркорлик субъектлари, халқаро ярмаркаларда миллий хунармандчилик асарлари билан шуҳрат қозонаётган маҳорат усталари бор. «Давр шамс жихоз», «Файса-текстиль», «Сааб», «Амина-текстиль» масъулияти чекланган жамиятлари, «Бахт эрки», «Хабар-парк», «Салима чевар», «Омонулла бизнес» сингари хусусий корхоналар «Ташаббус»да ташаббус кўрсатиш ниятида. Уларнинг барчасига олдиларида турган масъулияти синовда омадлар тилаймиз. Ғалаба эса албатта изланганга ёр бўлади.

Иқтисодиёт

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН — РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАР

«НАВОИЙ АЗОТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ, У ЕРДА ТАЙЁРЛАНГАН МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН САМАРАЛИ ФАЙДАЛАНАЁТГАН «ИГОТЕКС» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ТРИКОТАЖ КИЙИМ-КЕЧАРАЛИ МОДЕЛИ 65 ХИЛДАН ОРТИБ КЕТДИ.

Шуни эътиборлики, ўтган йилда корхона тадбиркорлари тайёрлаётган кузги ва қишки трикотаж либосларидан Россия ҳамда Қозоғистон давлатларидаги харидорлар ҳам баҳраманд бўлишди. Уста дизайнер-модельерлар томонидан яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган янги турдаги маҳсулотларнинг бир қисми ана шу давлатларга экспорт қилинди.

Албатта, маҳсулот сифатини таъминлашда замонавий техника ва технологияларнинг ўзига хос ўрни борки, улардан оқилона фойдаланиш муваффақиятини таъминлашда катта ўрин тутди, — дейди корхона раҳбари Шавкат Жалилов. Шу боис ҳам корхонамиз цехларини Япониядан келтирилган тикув, тўкув, кашта солиш дастгоҳ ва ускуналари билан жиҳозлаганимиз. Маҳсулот турларини янгилаш, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш эса маркетинг ишларини яхши йўлга қўйиш орқали амалга оширилади. Ҳар йили 10-15 турдаги янги моделларни яратамиз. Айниқса, болажонларимиз учун ишлаб чиқарилаётган кийим-кечакларимиз ҳар қандай харидор талабини қондиради. Бунинг учун эса унинг бўёғига, нархига, кўриниши ва ўрналишига катта аҳамият қаратамиз.

Хусусий корхонада меҳнат қилаётган 67 нафар ишчи-хизматчининг 12 нафари касаначилик асосида фаолият юритади. Бунинг учун эса уларга барча шaroитлар яратиб берилган. Бу сифатли маҳсулот тайёрлашда ҳам қўл келмоқда. Бир сўз билан айтганда юқори сифатга интилиш — корхона аҳлининг ишдаги асосий мезонига айланиб қолган.

Шарифа ИЛЁСОВА

Шарқ дурдоналари

03-03 ўзгариш Домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

Ахли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолигин—
Ким, буларга гадолиқ ортуғдур
Ахли сувратқа подшолигин.
Маъно ахли даврасида гадо эканлигиндан сира
ор айлама, чунки уларга гадолик сурат ахлига под-
шо бўлишдан афзал.

Авлиё поясиғадур етмак,
Топмаса шукру топса базл етмак.
Авлиё мақомига етиш топмаса шукр, топса
эхсон қилиш деганидир.

Агарчи мен ёмонмен, яхшидурким муъта-
рифдурмен,
Ўзин яхши тасаввур айлаган мендан ёмон
эрмиш.

Агар мен ёмон эканман, буни ўзим ҳам тан ола-
ман, лекин ўзини яхши деб тасаввур қилганлар
мендан ҳам ёмон эмиш.

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа, майли, беандоза бўлғай.
Ўқувчилар учун ноънаввий бўлса-да, янги нар-
сани шеърга сол, оҳорли фикр айт.

Агар шох, агар гадодур одамизод,
Эмас бўйни қазо ҳукмидин озод.
Киши хоҳ шох, хоҳ гадо бўлсин, тақдир ҳукмига
қарши чора тополмайди.

...аждаҳони ишқ этар мўр.
Ишқ қошида аждаҳо ҷумолига айланади.
Ани саҳий англағил, эй хушманд—
Ким, ани давлат қилибон сарбаланд,

Ҳоли агар яхшидурур, гар табоҳ,
Кимсадин таъма этмас молу жоҳ.
Эй оқил, толе мақомини баланд қилиб, ҳоли
хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, бировдан молу дунё
тама этмайдиган кишининг ани саҳий деб бил.

Агар юз қатла бўлбл чексун афгон,
Баҳор ўлмай, гул очилмоқча имкон.
Айлама ўз раъйингга кўп эътиқод,
Муътамад эл раъйидин иста кушод.

Ўз фикру ўйингга кўп ҳам эътиқод қўйма, одам-
ларнинг тақрибадан ўтган тадбирларига ҳам му-
рожаат қил.

Айб кўзи чунки бўлур тезбин,
Заҳр кўрар, гарчи эрур ангабин.
Айб кўзи тез ва ўткир бўлади: асал ҳам унга
заҳар бўлиб кўринади.

Асра ўзунгни биров озоридин,
Кимсага озурдалиқ изхоридин.
Сенга биров озор етказишга ҳам йўл қўйма,
ўзинг ҳам бировга озор берма.

Агар ҳикматга бўлса илтифотинг—
Ки, бўлсун Нух умрича ҳаётинг!
Адаб кичик ёшлиғларни улуглар дуосига
сазовар этар.

Азалда чун не насиб ўлди, ўзга ўлмади ул.
Афгонки, ҳазон меҳнатидин қолмади солим,
Ҳар сарви гуландомки, бу гулшан ародур.
Фарёдки, бу гулшандаги хушбичим сарвлардан
бирортаси ҳазон балоси (куз истилоси)дан омон
қолмади.

Асру кенг саҳродурур башти хаёл.
Хаёл саҳроси ниҳоятда кенг саҳродир.
Барқил кулгу йиқибон тоғ аро,
Балки қилиб ер қуйи туфроғ аро.

Қўқда юрган чакмоқни ер остига киргизган нар-
са унинг ўринсиз шаклланган (қулиши)дир.
Базл, ҳайвонвашлар илгидин агар истар
кўнгул,

Ўйладурким, арзу қилғай бугу шоҳида гул.
Ҳайвонга ўхшаганлар қўлидан эҳсон умид қилиш
бугу шоҳидан гул умид қилган кабир.

Бок йўқ ар кечроқ ўлур қатл иши,
Ўлса, сўзинг бирла тирилмас киши.
Ўлдирилмоқчи бўлган айбдорни ўлдиришнинг
кечкиши зарарсиз, чунки ўлдирилиб қўйилган,
сўз билан уни тирилтириш мумкин эмас.

Барча лаззатни тодидин, офиятдан чучуқроқ
шарбат топмадим.
Ҳамма мазалар (ширинликлар)ни тодидин, ле-
кин соғлиқдан чучуқроқ шарбат топмадим.

Бармоқ учи бирла чу чикмас тикан,
Игна била қутулур ондин бадан.
Тикан қўл билан чикмаса, киши ундан нина ор-
қали қутулиши мумкин.

Ботилки, чакилса барқи тобони анинг,
Кўзни юмуб-очкунча йўқ имкони анинг.
Бузуқ, беҳуда ҳаракат, нараса чакмоқдек ҳар
қанча ярқираб кўринса ҳам, унинг умри кўз юмиб-
очганчадир.

Бегонани уй сари ёвутма,
Ўрнингки қизикдурур, совутма.
Бегонани уйга яқинлаштирма, иссиқ ўрнингни
совутма.

Бемори муштаҳийга саломат нишонидур,
Чун тандуруст муштаҳий эрмас, зиёидур.
Қасалда иштаҳо пайдо бўлиши тузалиш (соғай-
иш) нишониси бўлади, соғлом кишининг иштаҳо-
си йўқолиши зиёни кўрсатади.

Бергали олмоқ ишидин бўл йирок,
Бермак учун олманининг яхшироқ.
Бировга бериш учун бировдан олишдан сақ-
лан. Бермоқ учун олманининг яхшироқдир.

Бермакида маръи эрур эътидол,
Лек эмас мавқеида базли мол.
Бировга бир нараса беришда ўртача ҳол тутиш
керак. Жуда қаттиқлик ёки жуда очкиқлик тўғри
эмас.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

КИШИ ҚАЙСИ СОҲАДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМАСИН,
ЎЗ ИШИНИНГ ЗАҲМАТКАШИ БЎЛГАНДАГИНА
САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТАДИ, ЭЛ
ИЧИДА ҲУРМАТ ТОПАДИ. ШАҲРИМИЗДАГИ 8-БОКС
МАКТАБИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ОЛИЙ
ТОИФАЛИ МУРАББИЙ ФАРИД ЗАГИДУЛИННИ ҲАМ
ШУНДАЙ ИНСОНЛАР СИРАСИГА КИРИТИШ МҲМКИН.

Дарҳақиқат, 35 йилдан
ортиқ вақтдан буён мамлака-
тимизда боксининг ривожига
ҳисса қўшиб келаётган ушбу
мураббий етиштирган шогирд-
ларининг ўзи бугунги кунда
иктидорли устозлар сифатида
фаолият кўрсатмоқда. Мазкур
мураббий буш вақтларини ҳам

сеvimли спорт турига бағиш-
лаган ҳолда бутун тажрибаси,
билим ва кўникмаларини ёш
чарм қўлқоп усталарига ўрга-
тиб келмоқда.

— Баъзан ҳатто меҳнат таъ-
лиғига чиқишни ҳам унутиб
қўйсан киши,—дейди биз би-
лар мураббий Фарид Загиду-
лин.—Болажонлар имкон

қадар кўпроқ маҳорат сирла-
ридан баҳраманд бўлишса,
машгулотлардан самарали
фойдаланилса, дейман. Бола-
ларда боксга қизиқиш бор
экан, буни ривожлантириш ва
қўллаб-қувватлаш керак.
Бироқ энг муҳими, улар фа-
қат чемпион бўлишмасин, би-
ринчи галда ҳақиқий инсон-
лар бўлиб етишишсин. Ме-

нинг машгулотимга келган бо-
лага бор маҳоратимни кўрса-
тиб, барча «сир»ларимни ўрга-
тишга ҳаракат қиламан. Токи
ўсмир машқдан кўнгли тўлиб
қайтсин ва кейинги машгулот-
ларга ҳам келсин.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТДА: тажрибали му-
раббий Фарид Загидулин
машгулот пайтида.
Алексей Попов олган сурат



ГРЕЦИЯДА КАТТА КУРАШ БАЙРАМИ

БУГУН ОЛИМПИАДА ВАТАНИДА КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ. САБАБИ, ГРЕЦИЯ ДАВЛАТИНИНГ
САЛОНИКИ ШАҲРИДА КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИНинг ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТИ «ИСЛОМ
КАРИМОВ» НОМЛИ ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ.

Дунёнинг 20га яқин давлатидан келган полвонлар мут-
лақ вазн тоифасида ўзаро беллашадилар. Мухлисларга
яхши маълумки, ушбу турнирга 2000 йили Буюк Брита-
ния кураш ассоциацияси томонидан асос солинган эди.
Мана етти йилдирки, бу турнир аъна тусини олиб, ку-
рашимизнинг жаҳондаги ривожига катта ҳисса қўшиб кел-
моқда.

Европанинг яна бир йирик давлати—Греция ҳам ушбу

турнирни мутлақ вазн тоифасида ўтказиш ташаббуси би-
ла чикди ва 2005 йилдан бошлаб халқро кураш мусо-
бақаларини ташкил этиб келмоқда. Бу эса турнир сало-
ҳиятини янада оширади.

Аънавий «Ислом Каримов» турнири дунё халқлари-
нинг ўзбек миллий спорт турига бўлган эътирофи нишо-
насиридир.

Гули ЧЕХРА

ВАЛУЕВ РУСЛАНГА ҚАРШИ

ТАНИҚЛИ БОКСЧИМИЗ РУСЛАН
ЧАГАЕВ ВВА ЙЎНАЛИШИДА ЖАҲОН
ЧЕМПИОНЛИГИ УЧУН РОССИЯЛИК
НИКОЛАЙ ВАЛУЕВГА ҚАРШИ РИНГТА
ЧИҚАДИГАН БЎЛДИ.

Швейцариянинг Базель шаҳри-
да америкалик Жамил Маклайнга
қарши ўтган жангда ўз камарини
ҳимоя қилган амалдаги чемпион
Валуев рақибини техник нокаут би-
лан мағлуб этди. Бутун жаҳон бокс
мухлисларининг диққат марказида
бўлган учрашувда томонлар жид-
дий тайёргарлик кўришганди. Ле-

кин жангнинг учинчи раундида Аме-
рика вакили навбатдаги зарбани
амалга ошираётган пайтда йиқи-
либ тушиб, оёғидан қаттиқ жаро-
ҳат олди ва жангни давом эттира
олмаслиги маълум бўлди. Ушбу на-
тижадан сўнг Валуев ҳисобидаги
ғалабалар сони 46 тага етди. Амал-
даги чемпион вақтни беҳуда ўтказ-
май Руслан Чагаев билан бўлади-
ган жангга тайёргарлик кўришни
айтиб ўтган. Ҳал қилувчи баҳсда
ўтказилади.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ «АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ПЕДАГОГИКАДА» КАФЕДРАСИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА БЕШ
ЙИЛ ТЎЛДИ. ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШНИ ОШИРИШ ҲАМДА БУ
ЙЎНАЛИШДА ПУХТА АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ КАФЕДРА
ОЛДИДА ТУРГАН АСОСИЙ ВАЗИФАДИР.

Таълим

КАФЕДРА — БЕШ ЁШДА

Кафедра профессор-ўқитувчилари бўлажак ёш мутахассислар билан мунозара машгулот-
ларини олиб боришда ҳам бой тажриба тўпладилар.
Талабалар томонидан тайёрланган «XXI аср — ахборот технологиялари асри», «XXI аср —
компьютер технологиялари асри» деган мавзудаги маърузалар юқори баҳоланди.

Кафедранинг 5 йиллик санасига бағишланган конференцияда «Ҳамкорликдаги таълим»-де-
ган мавзуда ёзилган рефератлар ҳам сарҳисоб қилинди.

Анвар АББОСОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 6 март куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов
тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ)
биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бо-
риш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари то-
монидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочи бўлинмасининг 19.12.2006
йилдаги №20595 ижро ҳужжатида асосан хатланган, Тошкент шаҳар Юнуса-
бод тумани, Марказ-5 манзилида «Шахнозабону» ХФга қарашли жарима
майдончасида сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз,
давлат рақами АМ9565 РТ02 бўлган «Тойота Прадо» русумли автотранспорт
воситаси.

Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочи бўлинмасининг 15.01.2007
йилдаги №1051 ижро ҳужжатида асосан хатланган, Тошкент шаҳар Юнуса-
бод тумани, Марказ-5 манзилида «Шахнозабону» ХФга қарашли жарима
майдончасида сақланаётган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз,
давлат рақами Х444АМ бўлган «БМВ-318» русумли автотранспорт восита-
си.

Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.

2007 йил 6 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган автотранспорт 13,
15, 20, 22, 27, 29 март ва 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель, 1, 3 май
кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул
қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16:00да
тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний
шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдо-
рида закатат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиа-
лидаги МФО: 00425, ИНН 200933850; 20210000700571452062 ҳисоб рақа-
мига тўлашлари шарт.

Телефонлар: 399-79-52, 144-44-73, 144-44-72.

Интернетдаги сайтимиз: WWW.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004

Ўзбекистон-Австрия оёқ киим ишлаб чиқариш қўшма
корхонасига иш тажрибаси 3 йилдан кам бўлмаган тикув-
чилар бутлаш ва устки қисмларини тикиш учун зудлик
билан талаб этилади. Ойликлар катта. Иш ҳақи ишбай
усулда тўланади.

Телефонлар: 279-37-52, 117-12-77.

Футбол

ЗАЙНИДДИН ЭРОНДА ТЎП СУРАДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ПЕШҚАДАМ ЖАМОАСИ «ПАХТАКОР»НИНГ
ҲУЖУМЧИСИ ЗАЙНИДДИН ТОЖИЕВ ЭРОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ.

Ўтган йилги мавсумни ўзининг сеvimли жамоаси «Пахтакор»да ўтказган
ҳамда Ўзбекистон терма жамоаси сафида икки марта қатнашиб, битта гол
муаллифига айланган Зайниддин Тожиев Эроннинг «Саба-Баттери» клуби му-
раббийларининг назарига тушиб ва жамоа билан ярим йилга шартнома имзо-
лади.

Кўпминг сонли мухлислар номидан ўтган йилги чемпионатда «Пахтакор» жамо-
аси сафида 29 марта майдонга тушиб, рақиблари дарвозасини 14 марта
ишғол этган моҳир ҳужумчи Зайниддин Тожиевга муваффақият тилаб қоламиз.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Мелиорация ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежи «Ахборот ресурс маркази»даги вакант ўринларга доимий ишлаш учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турувчи, салоҳи-
ятли ва масъулиятли мутахассислар қуйидаги лавозимлар бўйича
қатнашишлари мумкин:

Ахборот ресурси маркази раҳбари.
Электрон ахборот бўлим мудир.
Ахборот ресурс маркази етакчи мутахассиси — 4 нафар.
ЭХМ муҳандис-дастурчи, 1-тоифали.
ЭХМ оператори, 1-тоифали, 3 нафар.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомиде қабул
қилинади.

Манзилимиз: Мирзо Улугбек тумани, Қори-Ниёзий кўчаси,
39а-уй.

Мўлжал: Гидрометцентр бекати. Автобуслар: 95, 89, 88-марш-
рутли таксилар 97, 42, 91, 74.

Телефон: 137-09-62.

Тошкент Давлат циркида 2007
йил 12 февраль соат 18.00 да



КОНЦЕРТ

ФАҚАТ 1 КУН

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

ТОХИР СОДИҚОВ ВА

«БОЛАЛАР» ГУРУҲИ

Концертда фонограммдан фойдаланилади.
Концерт соат 18.00 да бошланади. Билетлар цирк кас-
сиде сотилмоқда. Касса соат 9.00 дан ишлайди.
Мурожаат учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат
9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун
телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзили-
миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
4398 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамтига» — 133-74-05 телефониға
мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6